



**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING
B U Y R U G‘ I**

20 21 yil “21” декабрь

№ 287

Toshkent sh.

**Патронажнинг универсал-прогрессив моделини
амалиётга жорий қилиш тадбирлари ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6110 - сонли Фармони ҳамда 2020 йил 10 ноябрдаги “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4887-сонли қарорининг ижросини таъминлаш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига патронажнинг янги услубларини жорий қилиш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Патронажнинг универсал-прогрессив моделини амалга ошириш ва ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларига:

жорий йил якунига қадар бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ўрта тиббиёт ходимларининг “Универсал-прогрессив патронаж” тизими бўйича ўқитилиши инobatга олинсин;

2022 йил 1 январидан бошлаб барча ҳудудларда патронажнинг янги моделини бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари амалиётига илова билан тасдиқланган Низомга мувофиқ жорий қилиш;

Юнисеф ташкилоти томонидан тақдим қилинган адабиёт ва қўлланмаларни тақсимотга мувофиқ барча тиббий ходимларга етказиш;

амалга оширилган патронаж натижалари бўйича тегишли ҳисоб ва ҳисобот ҳужжатларини ўз вақтида ва сифатли расмийлаштиришни таъминлаш;

патронажнинг янги услуги бўйича аҳоли орасида тушунтириш-тарғибот ишларини ўтказиш вазифалари юклатилади.

3. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Д.Игамбердиева, Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази директори Б.Одилова, вазирликнинг ҳамширалик иши бўйича бош мутахассиси Р.Салиходжаевалар патронажнинг универсал-прогрессив моделини жойларда жорий қилиш мақсадида ҳудудларда тиббиёт ходимларига тизимли равишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатишни таъминласинлар.

4. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосари Э.Баситханова зиммасига юклатилсин.

Вазир



Б.Мусаев

Ўзбекисто Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2021 йил “21” декабр даги
“287”- сонли буйруғига илова

Патронажнинг универсал-прогрессив моделини амалга ошириш ва ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги Низом

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида патронажнинг янги усули- Универсал-прогрессив патронажни (кейинчалик УПМ) амалга ошириш ва ташкиллаштириш тартибини белгилайди.

2. Патронаж–бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг тиббий ходимларининг томонидан хонадонларга фаол ташриф бўлиб, унинг асосий мақсади аҳолига профилактик, санитар-тарғибот тадбирларини ўтказиш ва алоҳида ҳолатларда беморнинг ҳолидан хабар олишни ўз ичига олади.

3. Патронажни оилавий шифокор ва тиббий бригада ҳамширалари ҳам амалга ошириши мумкин.

II. Универсал- прогрессив патронажни ташкиллаштириш

4. Универсал- прогрессив патронаж модели асосий тушунчалари:

ҳомиладор ва туғруқдан кейинги даврдаги аёллар ҳамда 5 ёшгача болалари мавжуд оилалар учун амалдаги штатлар доирасида **патронаж учун масъул бўлган тиббий бригада ҳамширасини**(доя ва педиатр ҳамшираси) бириктириш;

бириктирилган ҳамшира томонидан умумий ҳолати қониқарли ва хавф гуруҳидаги аҳолини аниқлаш ҳамда улар соғлиғининг умумий ҳолатини **дифференциаллашган ёндашув асосида кузатиб бориш**;

умумий ҳолати қониқарли бўлган барча ҳомиладор ва туғруқдан кейинги даврдаги аёллар ҳамда 5 ёшгача болалари мавжуд оилаларни **ягона меъёр асосида бевосита кузатиш**;

руҳий тушкунлик ҳолати, боланинг тўғри овқатланиши ва ривожланиши учун соғлом муҳитни таъминлашда қийинчиликлари

мавжуд хавф гуруҳидаги ҳомиладор ва туғруқдан кейинги даврдаги аёллар ҳамда 5 ёшгача болалари бўлган оилаларнинг ҳар бирига **индивидуал режа асосида кенгайтирилган ёрдам кўрсатиш**.

5. Патронаж хизматининг универсал-прогрессив модели оилавий шифокор ишлайдиган ҳудудда татбиқ этилиши мумкин, чунки патронаж хизмати оиланинг барча даражасида олиб борилади.

6. Тиббий бригада ҳамширалари хизматини ташкиллаштирганда, уларнинг оила билан самарали ишлаши учун етарли вақт сарфлай олиш имконига эга бўлишини ҳисобга олиш зарур. Болалардаги хавфларни бирламчи баҳолашга ва оилани ўқитишга ўртача 40–60 дақиқа вақт керак бўлса, индивидуал режа бўйича қайта ташрифлар учун бажариладиган иш ҳажмига қараб 15–30 дақиқа вақт сарфланади. Шундан келиб чиқиб, тиббий бригада ҳамшираси хонадонга ташрифлар учун ажратилган иш соатида 2–3 та хонадонга ташрифни сифатли бажара олади.

7. Тиббий бригада ҳамширалари зарур бўлган хизматларни кўрсатиши учун етарли билим, кўникмаларга ва яхши тайёргарликка эга бўлишлари лозим. Бирламчи тизим амбулатор-поликлиника муассасаларида тиббий бригада ҳамширалар ўқув машғулотларини ўтказиши, амалиётида учраган ҳолатларни муҳокама қилиши, турли тарқатма материаллари ва ҳужжатларни сақлаши учун хона ажратилган бўлиши лозим.

8. Тиббий бригада ҳамшираларининг фаолиятини самарадорлигини ошириш мақсадида уларни керакли материаллар тўплами билан таъминлаш зарур (бўй ўлчагич, болалар учун қўл тарозиси, катталар учун электрон тарози, сантиметрли лента, тана ҳароратини ўлчагичи, тонометр фонендоскопи билан, таймер, қўлни дезинфекцияловчи восита).

9. Ҳар бир оила ҳамшираси керакли маълумот манбалари (амалий қўлланма, тиббий бригада ҳамширалари учун услубий кўрсатмалар, брошюралар, эслатмалар ва бошқалар) билан таъминланиши лозим.

III. Патронаж ташрифларни режалаштириш

10. Патронаж ташрифларнинг тўғри режалаштирилиши патронаж хизматларнинг ўз вақтида кўрсатилиши ва тўлиқ қамровда олиб борилишини таъминлайди. Маълум бир ҳудуд аҳолисини рўйхатдан ўтказиш маълумотлари ва бириктирилган аҳолининг рўйхати режанинг манбаси бўлиб хизмат қилади.

11. Ташрифларни амалга ошириш учун 2 турдаги режа тузилади: **универсал** (ойлик режа, бажарилиш назорати ҳар ҳафтада) ва кучайтирилган - **прогрессив** ташрифлар (кунлик режа).

12. Режани тўғри тузилиши ва уни тўғри бажариш мониторинги катта ҳамшира ва оилавий шифокор томонидан олиб борилади. Катта ҳамшира режани тузишда ва маълумотларнинг етказилиши билан режага ўзгартиришлар киритишда фаол кўмаклашади.

13. Патронаж ташрифларнинг универсал модели барча болалар ва ҳомиладор аёлларни қамраб олишни кўзда тутаяди, бунда оила ҳамшираси томонидан уйга ташрифлар сони қуйидагича белгиланади:

ҳомиладор аёлга 2 марта (ҳомиладорликнинг 12- ва 32-ҳафтасида);

5 ёшгача болалари бўлган хонадонларга эса 12 та (туғруқхонадан чиққандан сўнг биринчи 3 кунда, ҳаётининг 15-куни, 1 ой, 3 ой, 6 ой, 9 ой, 12 ой, 18 ой, 24 ой, 36 ой, 48 ой, 60 ой);

чилла давридаги аёллар учун 3 марта (туғруқхонадан чиққандан сўнг биринчи 3 кунда, туғруқдан кейин 15-кунда ва туғруқдан кейинги 1 ойда).

14. Хавф аниқланмаган оилаларга универсал моделда кўрсатиладиган хизматлар (ота-оналик кўникмаларини шакллантириш, бола парвариши ва тарбиялаш бўйича маълумотлар тақдим этиш, ишончли боғлиқлик моҳиятини тушунтириш, кўкрак сути билан боқиш, кўшимча овқатлантириш, хавфсиз муҳит, ўйинлар ўйналиши, сўзлашиш, жисмоний ва рухий-ҳиссий ривожланиш ва бошқалар) олиб борилади.

15. Оила ҳамшираси хонадонларга ташриф вақтида универсал модел асосида ҳомиладорлар, туққан аёллар ва 5 ёшгача бўлган болаларда хавф омилларини баҳолаш лозим. Хавф омилларини баҳолаш учун йўриқномалар ишлаб чиқилган. Ҳар бир йўриқномада баҳолашнинг мақсади, алгоритм ҳаракатлари берилган бўлиб, хавфни қандай баҳолаш, ҳатто битта хавф аниқланганда ҳам нималар қилиш кераклиги бўйича маълумотлар баён қилинган.

16. Ҳомиладор аёлларда хавф омилларини аниқлаш учун йўриқномалар ҳомиладор аёлнинг ҳаётига хавф солувчи белгилар борлигини аниқлаш; ҳомиладорлик даврида нотўғри овқатланиш омилларини аниқлаш; ҳомиладорлик даврида депрессияни аниқлаш; ҳомиладорликкача бўлган хавфли омилларни аниқлаш; ҳомиладор аёлда хавф омилларини аниқлаш; ҳомиладорликда зарарли одатлар хавфини аниқлаш; ҳомиладор аёлнинг ижтимоий хавфларни аниқлашга қаратилган.

17. Ҳар қандай хавф аниқланиши заҳоти оила ҳамшираси прогрессив моделга ўтиши ва катта ҳамшира, оила шифокори ёки акушер-гинеколог, зарурат бўлса, бўлим бошлиғи билан биргаликда мазкур аёлни олиб бориш бўйича индивидуал режа ишлаб чиқилиши керак.

18. Тукқан аёл ёки ота-она ва 5 ёшгача болада хавф омилларини баҳолаш учун йўриқномалар қуйидагилардан иборат:

бола ва чилла давридаги аёлнинг ҳаётига хавф солувчи белгиларни аниқлаш;

6 ойгача бўлган болаларни истисносиз кўкрак сути билан эмизишнинг муаммоларини аниқлаш;

6 ойдан 5 ёшгача бўлган болаларнинг қўшимча овқатлантириш муаммоларини аниқлаш;

болада эмлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш;

ота-она ва бола орасида ишончли боғлиқлик йўқлиги хавфини аниқлаш;

бола тарбиясида оталарнинг иштироки бўлмаслиги хавфини аниқлаш;

боланинг ривожланиши учун рағбатлантирувчи муҳит етишмаслигини аниқлаш;

ота-оналарда депрессия ҳолатини аниқлаш;

бола учун хавфсиз муҳитни яратиш, жароҳатлар ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш;

болага нисбатан эътиборсизлик, қўполлик ва зўравонлик муносабатларини аниқлаш;

болада нутқ ривожланишининг кечикишини аниқлаш;

5 ёшгача бўлган болаларда жисмоний ва ақлий ривожланишининг муаммоларини аниқлаш;

болаларнинг ижтимоий-руҳий ривожланиш муаммоларини аниқлаш;

болаларда ижтимоий хавфни аниқлаш.

19. Агар бола мактабгача таълим муассасасига қатнай бошлаган бўлса, патронаж ҳамшираси хонадонларда ташрифларни ўтказмайди, ушбу болани кейинги кузатувлари мактабгача таълим муассасасининг тиббий ходимларига юклатилади.

IV. Хавф омилларини бошқариш ёки кейс менежмент

20. Кейс-менежмент – (инглиз тилида «case» – ҳолат, «management» – бошқариш) бу жараён ўзида боланинг соғлом ўсиши, ривожланиши ва хавфсизлиги бўйича мос равишдаги эҳтиёжларини баҳолаш, режалаштириш, ёрдам кўрсатиш ва хизматлар олишда қўллаб-қувватлашни мужассамлаштиради. Жараён боланинг оиласи ва ота-онаси билан суҳбатлашиш орқали мавжуд муаммоларни аниқлайди ва ҳамкорликдаги муҳокама йўли билан амалга оширилади. Кейс-менежмент амалиёти жараёнида ҳамкорлик қилишга тайёр бўлмаган ёки алоқа боғлашда қийинчилиги бўлган оилалар билан ишлаш эҳтимоли бўлишини ҳам инобатга олиш лозим.

21. Ҳомиладор ҳамда тукқан аёллар ва 5 ёшгача болалардаги ҳолатларнинг хавфли омиллари турли даражада бўлиши мумкин: юқори, ўртача.

Бола/ҳомиладор ёки тукқан аёлнинг ҳаётига хавф солувчи белгилар ёки касаллик белгилари аниқланса, бу юқори хавф ҳисобланиб, зудлик билан шифокор кўригига юборилади.

Оила ҳамшираси боланинг ривожланишига ва ҳомиладор ҳамда тукқан аёлга таъсир кўрсатувчи хавфларнинг бирортасини аниқласа, ўртача хавф деб баҳолайди ва оилани индивидуал режаси асосида олиб боради.

22. Юқори даражадаги хавфли омилларни бошқариш кўпгина бошқа соҳа вакиллари билан ҳамжиҳатликда олиб борилади, даволаш профилактика муассасаси ёки тор мутахассислар иштироки шу билан бирга бошқа соҳа вакиллари (масалан, ижтимоий ҳимоя ташкилотлари, таълим, ички ишлар, маҳалла, ҳокимият, бошқа турдаги нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва бошқалар) билан ҳам олиб борилиши мумкин.

23. Кейс-менеджментнинг 8 қадами

1-қадам. Патронаж ҳамшираси томонидан бола эҳтиёжининг бирламчи баҳоланиши

2-қадам. Юқори хавф омили мавжуд ҳолатда масъулни (кейс-менежер)ни тайинлаш

3-қадам. Хонадонга ташриф ва иккиламчи баҳолаш;

4-қадам. Оилани қўллаб-қувватловчи индивидуал режа лойиҳасини тузиш;

5-қадам. ННТ ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда хизмат кўрсатишни олиб бориш;

6-қадам. Индивидуал режани қайта кўриб чиқиш

7-қадам. Мониторинг

8-қадам. Ҳолатни яқунлаш

V. Универсал-прогрессив патронажни расмийлаштириш

24. Универсал-прогрессив патронаж тизими бўйича ҳисоб ва ҳисобот жараёни мазкур низомнинг 1-иловасидаги 1-10 жадвалларга мувофиқ махсус шаклларда расмийлаштирилади. Оила ҳамшираси томонидан режа тузилади ва унинг ижроси бўйича маълумотлар киритиб борилади.

25. Прогрессив патронаж тизимида оила ҳамшираси билан биргаликда аниқланган муаммодан келиб чиқиб, оила шифокори, акушер-гинеколог/педиатр кўриклари амалга оширилиши ва бошқа мутахассислар тавсияси ва даволаниш учун бошқа муассасаларга йўналтирилиш ҳолатларида уларнинг кўриклари натижалари, даволаниш натижалари бўйича маълумотлар амбулатор карталарда қайд этилади.